

**ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ШИКОЯТИГА АСОСАН ҚЎЗГАТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРГА ОИД АРИЗА, ХАБАРЛАР ВА БОШҚА
МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ**
Хушмамат Қаландарович ИСКАНДАРОВ

докторант
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноятларга оид ариза ва хабарларни текшириш тушунчаси, тавсифи, ушбу институтнинг шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: хусусий айблов, шикоят, жиноят-процессуал фаолият, жиноий таъқиб, жабрланувчи.

**СОДЕРЖАНИЕ И СУЩНОСТЬ ПРОВЕРКИ ЗАЯВЛЕНИЙ,
СООБЩЕНИЙ И ДРУГИХ СВЕДЕНИЙ О ПРЕСТУПЛЕНИЯХ,
ВОЗБУЖДАЕМЫХ НА ОСНОВАНИИ ЖАЛОБЫ ПОТЕРПЕВШЕГО**
Хушмамат Каландарович ИСКАНДАРОВ

Докторант
Академия Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются понятие и описание проверки заявлений и сообщений о преступлениях, возбуждаемых на основании жалобы потерпевшего, а также роль данного института в защите прав и интересов личности и обеспечении ее свобод.

Ключевые слова: частное обвинение, жалоба, уголовно-процессуальная деятельность, уголовное преследование, потерпевший.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, тизимни халқ учун адолат масканига айлантириш борасида зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда ва янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида бу ҳақида аждодларимиз азалдан амал қилиб келган “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат кўрғонини бунёд эт” деган ҳаётий тамойилни таъкидлар экан, жумладан “Биз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда шундай талаблардан келиб

чикдик. Хусусан, “судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик бўлиши керак” деган ғояни илгари сурдик ва уни амалда қарор топтиришга интиломқдамиз” дейди [5;49].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 30 ноябрь ПФ-5268-сон Фармонида [4] “Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очик мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келмоқда” дейилган.

Давлат халқ манфаатларига хизмат қилиши билан бирга шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш, хусусан жиноий тажовузлардан қўриқлаш чораларини белгилайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деб белгилаб қўйилган бўлиб, шунга асосан давлат зиммасига одил судловни амалга оширишдаги бир қатор муҳим вазифалар юклатилади. Шу фаолиятлардан бири жиноят-процессуал фаолиятдир. Жиноят-процессуал фаолият давлат номидан у ваколат берган органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. Жиноят-процессуал фаолият хусусиятига кўра турли шаклларда, шу жумладан, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноятларга оид ариза ва хабарларни текшириш асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистонда муҳим конституциявий тамойил инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳалар, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар кечмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик тизимини такомиллаштириш, хусусан, Жиноят процессуал кодексда назарда тутилган жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиш ёки иш юритишни якунлаш институтини такомиллаштириш, ушбу модда таркибига кирувчи Жиноят кодекси моддалари турларига қўшимча янги моддалар киритиш, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ҳолатларни қўллаш масалалари бўйича жиноят процессига янги қоидалар киритишни тақозо этмоқда.

Жиноят-процессуал фаолият инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада даҳл қилувчи жиноий жазоларни, шунингдек давлатнинг мажбурлов чораларини қўлловчи соҳалардан бири. Ҳуқуқий муносабатларнинг ушбу соҳаси жиноятларни муваффақиятли очиш ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлашда муҳим ижтимоий вазифаларни бажаради. Шу сабабли, ушбу фаолият одил судлов ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини яратувчи ҳуқуқий нормалар билан қатъий ва батафсил тартибга солиниши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларига ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт” дея белгилаб қўйилган [1;17].

Фуқароларнинг мурожаатлари ва уларнинг ҳал этилишининг ўзи конституцияда белгилаб қўйилиши мамлакатимизда мазкур қоидаларга муҳим эътибор берилганлигининг яна бир исботидир. Қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмининг конституциявийлаштиришнинг асосини конституциявий ҳуқуқ ва

эркинликларни, жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни ҳар томонлама тартибга солувчи конституциявий қонунлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрь ЎРҚ-445-сон қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонуннинг 5-моддаси (*Мурожаатларнинг шакллари ва турлари*)да мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланиши ва мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлиши белгиланган [2].

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрь қонуннинг 3-моддаси (*Асосий тушунчалар*)да қуйидаги асосий тушунчаларга таъриф берилган:

ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2024 йил 24 апрель 200-сонли буйруғи талаблари билан мурожаатларни текшириш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 322-моддаси (*Жиноят иши қўзғатиши сабаблари ва асослари*)да жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлувчи хабарларнинг турлари қуйидагича кўрсатилган [3;218]:

1. Шахсларнинг аризалари.
2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар.
3. Оммавий ахборот воситалари берган хабарлар.

4. Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши.

5. Айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши белгиланган.

Жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ишлар юридик адабиётларда “Хусусий айблов” жумласи билан ҳам эътироф этилади ва ушбу институт масаласида бир неча нафар процессуал олимлар турлича фикр билдиришган. Жумладан, профессор Б.Н.Рашидовнинг фикрига кўра хусусий айблов институти жабрланувчининг даъвоси асосида қўзғатиладиган, тергов қилинадиган ва суд муҳокамаси ўтказилиб, иш мазмунан ҳал этиладиган, шунингдек жабрланувчининг ариза бермаганлиги асосида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва берган аризаси асосида иш қўзғатилганидан сўнг ушбу даъвосидан воз кечганида ишни тугатиш билан боғлиқ иш юритуви жараёнларини ифодалайди [10;31].

Д.М.Миразовнинг фикрича, жиноят-процессуал фаолият ишни қўзғатишнинг сабаб ва асослари мавжуд бўлганда иш қўзғатилиб амалга оширилади, шунингдек жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги, юритишни истисно этувчи ҳолатлар аниқланганда эса иш қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади [8; 44–45].

Россия Федерацияси ҳуқуқшуноси К.Ф.Гуценконинг фикрича, хусусий айблов ишлари бу жабрланувчига айбловни шахсан ўзи қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи берилган ишлардир [7;3].

Бошқа олимлар С.И.Катькало ва В.З.Лукашевичларнинг фикрича, хусусий айблов – муайян категориядаги ишларни кўришнинг махсус процессуал тартиби бўлиб, уларни қўзғатиш жабрланувчининг шикояти каби амалга оширилади ва жабрланувчининг гумонланувчи ёки айбланувчи билан ярашиши асосида тугатилади [9;29].

Бундан ташқари, Д.Ш.Бекматованинг фикрича хусусий айблов тартибидаги жиноий таъқиб деганда жабрланувчининг мурожаати жиноят ишини қўзғатиш ҳамда уни тугатиш учун асос бўладиган жиноий таъқиб тушунилади [6;15].

Б.Т.Акрамходжаев эса ЖПКнинг 325-моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда жабрланувчининг хусусий айблаш ишлари бўйича берган аризасига асосан жиноят иши қўзғатилиши керак дея ҳисоблайди. Шу сабабли, жабрланувчи ўзининг айблов ҳақидаги фикрини қуватлаши керак. Амалдаги ЖПК талабларига кўра айрим тоифадаги хусусий айбловга оид ишларда давлат айбловчиси ҳам айбловни қўллаб-қувватлаши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур олимларнинг фикридан шундай хулосага келиш мумкинки, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ишлар дейилганида айнан жабрланувчи ёки унинг вакилининг шикоятига асосан иш юритиш бошланадиган ҳамда унинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратиладиган мазмундаги ишлар назарда тутилади.

Аммо Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддаси (*Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатиш*) гипотезасида назарда тутилган “жабрланувчи” сўзининг ҳам шу мазмундаги бошқа синоним сўз билан алмаштириш масаласини ҳам ўйлаб кўриш жоиз. Чунки, ҳали жиноят иши қўзғатилмасдан шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйиш нотўғри, “жабрланувчи” бу ҳуқуқий мақом бўлиб, жиноят иши қўзғатилганидан сўнг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қарор чиқарилганидан сўнг жабрланувчи дея эътироф этилиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Шу сабабли, модданинг номида қайд этилган “жабрланувчи” сўзини “жабрланган шахс” сўзига ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳамда қонун ҳужжатларига мос бўлар эди.

Юқорида баён этилган маълумотлар келиб чиққан ҳолда *жиноятга оид ариза ёки хабар* тушунчаси, мазмуни ва мақсадига қуйидагича муаллифлик таърифини беришимиз мумкин. Мазмунида Жиноят кодексининг махсус

қисмида назарда тутилган бир ёки бир нечта жиноятлар таркиби акс эттирилган шикоят, ариза, хабар ёки бошқа маълумотларни *жиноятга оид хабарлар* дея таърифлаш мумкин бўлади.

Жиноятларга оид шикоят, ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текширишининг мазмуни қонун билан ваколат берилган мансабдор шахслар ва бошқа иштирокчилар томонидан ушбу турдаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш, текшириш, зарурий ҳаракатларни ўтказиш ва натижасига кўра қонуний, адолатли ва ҳолисона қарор қабул қилишни англатади.

Жиноятларга оид шикоят, ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текширишининг мақсади эса жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки ишга алоқадор бўлган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан етказилган зарарни ўз вақтида ва тўлиқ қопланишини таъминлаш, содир этилиши режалаштирилган ёки тайёргарлик кўриляётган жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни эса қисқа муддатда фош этиш, айбдор шахсларнинг келгусидаги жиноий ҳаракатларини чеклаш чораларини кўриш, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларининг амал қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1. *Оғзаки* – муайян ходим қабулида тақдим қилинган, била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиб, баённома расмийлаштириш орқали қабул қилинган оғзаки ариза, хабар ва бошқа маълумотлар, шунингдек реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган қабул вақтидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар.

2. *Телефон орқали* – давлат органларининг, ташкилотларининг “ишонч телефони”га ёки навбатчи қисм телефонига келиб тушган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар.

3. *Ёзма* – шахсан ёки вакил орқали топширилган, почта ёки фельдъегерлик хизмати орқали юборилган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар.

4. *Электрон* – электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг идентификация қилиш имконини берадиган реквизитларга эга, белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида юборилган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштириладиган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар.

5. *Оммавий ахборот воситаларининг хабарлари.*

Ҳозирги жараёнида мурожаатларнинг янги шакли – электрон мурожаатлар тушунчаси қонунчиликка киритилди. Мазкур тушунча жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва қонуний қарор қабул қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида аризаларга тенглаштирилган ҳолда кўриб чиқиладиган бўлсада, жиноят-процессуал қонунчиликда ўз аксини топмаган.

Ўз ўрнида жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни тақдим этувчилар ҳамда ушбу маълумотларни текшириш ҳамда натижасига кўра қонуний қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар процесс жараёнида ушбу ҳуқуқларидан фойдаланишлари ҳамда мажбуриятларига қатъий равишда амал қилишлари лозим.

Жабрланувчининг шикояти таъсирига тушадиган жиноятлар билан боғлиқ низоли вазиятларда тезкорлик билан ечим топишга имконият беришни ҳисобга олган ҳолда ушбу институтни қўллашда қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишига эришиш, унинг мазмуни ва моҳиятини англаб етиш, бошқа жиноятлардан фарқли жиҳатларини инобатга олиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кафолатлар қонунчиликда акс эттирилиши орқали

мазкур институтини янада кенгайтириш ва юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон 2023.
2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрь ЎРҚ-445-сон қонуни <https://www.lex.uz/uz/docs/-3336169>.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2018. – 218 б.
4. Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрь ПФ-5268-сон Фармони. <https://www.lex.uz/uz/docs/-3432426>
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
6. Бекматова Д.Ш. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент, 2020.
7. Гуценко К.Ф. Частное обвинение в советском уголовном процессе. Дис.канд.юрид.наук. – Москва, 2018.
8. Жиноят процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм /Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2018.
9. Катъкало С.И., Лукашевич В.З. Судопроизводство по делам частного обвинения. – Спб., 2021.
10. Рашидов Б.Н. Хусусий айблов институти: монография. – Тошкент, 2021.

11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар.
– Тошкент, 2000. – 434 б.